

Ётишдан олдин кўрпаларни қоқиш

11:30 / 27.03.2017 3413

Инсон куни билан ишлаб, чарчаб, уйга қайтганидан кейин уйқуга ётади. Кундузи билан кўп ҳаракат қилган инсоннинг танасида турли ҳашаротлар ва зарарли ҳужайралар кўпаяди. Ухлаш учун ётганда ўша ҳашаротлар танадан кўрпаларга ўтади. Эртаси куни яна ўша кўрпага ётганда, яна янги ҳашаротлар тўкилади. Кун ўтган сайин кўрпадаги зараркунандаларнинг миқдори ортиб кетади. Уларни оддий кўз билан кўриб бўлмайди, балки, бир неча минг маротаба катталаштириб кўрсатадиган электрон микроскоплардагина кўриш мумкин.

Кўрпаларда яшайдиган мазкур паразитлардан қутулишнинг энг яхши йўли кўрпани қуёш нури тушадиган жойга ёйиб қўйиш ва ётишдан олдин кўрпани уч марта яхшилаб қоқиб ташлашдир. Чунки, ўша кўрпани сув билан ювганда ҳам мазкур ҳашаротлар йўқолмас экан. Кўпчилигимиз ётишдан олдин тўшагимизни бир қоқиб юборишни кўпинча унутиб қўямиз. Замонавий илм-фан буни яқиндагина исботлади.

Ҳар куни одам танасидаги эски ҳужайралар ўлиб, янгилари пайдо бўлади. Инсон уйқуга ётаётганда мазкур ўлган ҳужайралар кўрпага тушиб, у уйқудан уйғониб, кўрпасидан туриб кетганда, ўлган ҳужайралар тўшакда қолар экан. Агар ўлик ҳужайралар ётоқда кўпайиб кетса, кишига зарар етказиши, турли касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин экан.

Ғарблик олимлар ушбу муаммони бартараф этиш йўллари изладилар. Кўрпани яхшилаб ювиш керак дейишди баъзилари. Бунинг учун улар энг кучли тозалаш воситаларини ишлатиб, кўрпани ювиб кўрдилар. Лекин ундаги зараркунанда ҳашаротлар ҳатто қимир этгани ҳам йўқ. Олимлардан бири кўрпани қўли билан уч марта қоқиб кўрди. Қараса, ўлик ҳужайра ва бошқа паразитлардан асар ҳам қолмади. У кўрпаларни зараркунанда ҳашаротлардан тозалаш ҳақида янги кашфиёт қилганидан хурсанд бўлиб кетди. Шунда буни эшитган бир мусулмон таниши унга эътироз билдириб: “Албатта, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Агар сизлардан бирортангиз тўшагига ётмоқчи бўлса, кўрпасини яхшилаб қоқиб ташласин. Чунки, у ўша кўрпада нималар борлигини билмайди” деди.

Ҳа азизлар, бугунги кунда ғарблик олимлар тер тўкиб, ечим ахатараётган муаммоларнинг кўпи бундан ўн тўрт аср олдин Пайғамбаримиз алайҳиссалом томонларидан ҳал қилиб берилган.

Аллоҳ таоло ва Унинг севиқли Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга нимани буюрган бўлса, ўша нарсада бизлар учун фойда борлиги сабабли буюрган. Нима нарсадан қайтарган бўлса, ўша нарсада бизлар учун зарар борлигидан қайтарган. Зеро, У Зот Қуръонда Ўзи ҳақида: “Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир” (Нисо, 29) деган бўлса, Пайғамбар алайҳиссалом ҳақларида: “(Эй, Муҳаммад!) Биз Сизни (бутун) оламларга айни раҳмат қилиб юборганмиз” (Анбиё, 107) деган.

Нозимжон Ҳошимжон